

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 22-yanvar, payshanba

№ 3 (9375)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Қишлоқларимиз жамоли

Булуғур тумани марказидан анча олисда жойлашган Алишер Навоий номидаги маҳалла ва қишлоқларида ҳам қўзни қувнатадиган даражада хайрли ишлар қилинмоқда. Бунда маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта.



– Маҳалламиз ҳудудда Мирзабоши, Каттақишлоқ, Равот, Оломон, Сирт қишлоқлари мавжуд, – дейди маҳалла Нуронийлари раиси Мелиқўзи Маматқулов. – “Обод қишлоқ” дастури асосида амалга ошираётган ишларимиз туфайли қишлоқларимиз жамоли кун сайин чирой очиб бормоқда. Ҳашар йўли билан амалга оширилаётган ободончилик ишларида қишлоғимиз ёшларининг меҳнати катта бўлмоқда. Бу ишларда фаол кексаларимиздан Қаҳҳор Бобобоев, Асқар Донабоев, Мажид ҳожи Норбоевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Раббим ҲОТАМОВ
олган суратлар.



O'zbekiston – Niderlandiya: AGRAR SOHADA XALQARO HAMKORLIK MASALALARI MUHOKAMA QILINDI

Kecha qishloq xo'jaligi vaziri
Ibrohim Abdurahmonov
Niderlandiyaning O'zbekistondagi vakili
Olimjon Qosimov bilan uchrashdi.

Muloqot ikki davlat o'rtasida agrar sohada shakllanib borayotgan hamkorlikni yangi bosqichga olib chiqish, mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanish masalalariga bag'ishlandi.

Uchrashuv davomida tomonlar qishloq xo'jaligi tarmog'ini modernizatsiya qilish, ilg'or tajribalarni joriy etish va innovatsion yondashuvlarni keng qo'llash masalalarini muhokama qildilar. Xususan, issiqxonachilik yo'nalishida Niderlandiyaning dunyoda e'tirof etilgan ilg'or tajribasini O'zbekistonda tatbiq etish masalasiga alohida e'tibor qaratildi. Bu borada mahalliy mutaxassislar va fermerlar uchun seminar-treninglar tashkil etish, bilim va tajriba almashuvini yo'lga qo'yish bo'yicha takliflar ilgari surildi.

Shuningdek, uchrashuvda qishloq xo'jaligi mahsulotlari import va eksport hajmini oshirish, logistika va savdo zanjirlarini yanada takomillashtirish muhimligi ta'kidlandi. Tomonlar o'zaro savdo aloqalarini kengaytirish orqali har ikki mamlakat ishlab chiqaruvchilari uchun yangi bozorlar ochilishi mumkinligini qayd etdilar.

Muloqot jarayonida gulchilik yo'nalishida ham hamkorlik aloqalarini rivojlantirish, ushbu sohada Niderlandiyaning tajribasi va texnologiyalaridan foydalanish masalalari muhokama qilindi.

Uchrashuv yakunida tomonlar erishilgan kelishuv va takliflarni amaliy bosqichga o'tkazish, hamkorlik doirasidagi ishlarni jadallashtirish zarurligini ta'kidladilar.

Qishloq xo'jaligi vazirligi
axborot xizmati

Ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Адолат ва қонун устуворлигига таянадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинадиган, маданият, маърифат, илм-фан тараққиётига кенг йўл очиб берадиган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ўзбек халқининг азалий орзусидир. Зеро, ўзбек халқи истиқлолга эришгач, ўз тақдирини ўзи белгилаш, озод ва обод Ватанда фаровон ҳаёт кечириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ўтган давр мобайнида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги йилларда инсоннинг қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган ислохотлар изчил равишда ва босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бироқ, бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатиб, мамлакат тараққиётига таҳдид солаётган коррупция ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай ҳолатлар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида қонун устуворлигини таъминлашда жиддий муаммолар туғдирмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

“ЭНГ ЯХШИ ҲУДУДИЙ “СУВХЎЖАЛИКНАЗОРАТ” ИНСПЕКЦИЯСИ” ТАНЛОВИ ҲОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 14–20 январь кунлари ўтказилган жамоатчилик сўровномаси якуний натижаларига кўра, 6872 та овоз билан “Сувхўжаликназорат” инспекциясининг Бухоро вилояти бошқармаси “Энг яхши ҳудудий “Сувхўжаликназорат” инспекцияси” деб топилди.

Овоз бериш якунларига кўра, 5 295 та овоз билан Қашқадарё вилояти бўлими ва 1773 та овоз билан Жиззах вилояти бўлими иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Овоз беришда жами 19 730 нафар респондент қатнашди.

Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

“Ўзтрансгаз” АЖ корхоналарида



Магистрал газ тармоқлари ЎЗ ВАҚТИДА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Қўнғирот магистрал газ қуурлари бошқармаси “Ўзтрансгаз” АЖга қарашли “Урганчтрансгаз” унитар корхонасининг таркибий бўлинмаси бўлиб, 1968 йили ишга туширилган. Бошқарма “Бухоро-Урал” ва “Урта Осиё марказ” магистрал газ тармоқлари орқали қўшни давлатлардан ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қазиб чиқарилаётган табиий газни чет давлатларга ва республиканинг йирик истеъмолчиларига транспорт қилишга ихтисослашган. Бошқарма хизмат кўрсатадиган магистрал газ қуурларининг умумий узунлиги 493,9 километрни ташкил қилиб, таркибига Хўжайли sanoat майдончаси ва йирик ишлаб-чиқариш хизматларидан компрессор цехларини ишлатиш хизмати, газни қуриштириш қурилмалари хизмати, тармоқларни эксплуатация қилиш хизмати, газ ўлчаш, газ тақсимлаш ва метрология хизмати, автотранспорт хўжалиги киради.

(Давоми 2-саҳифада)

2026 АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР МАҲФИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Айни кунларда мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари жадаллик билан ташкил этилмоқда. Ушбу тадбир юртимиз тараққиётининг янги bosqichida алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараённинг аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулчехра Тожибоева ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Аҳолини рўйхатга олиш – бу фақатгина статистик тадбир эмас, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида ҳал қилувчи ўрин тутадиган стратегик жараёндир. У демографик ўзгаришлар, меҳнат ресурсларининг ҳолати, ижтимоий инфратузилма эҳтиёжлари,

қишлоқ хўжалиги салоҳияти ва ҳудудларнинг мутаносиб ривожланишини илмий асосда режалаштириш имконини беради. Аниқ ва ишончли маълумотлар эса давлат қарорларининг манзилли ва самарали бўлишини таъминлайди.

(Давоми 3-саҳифада)



Холмурод ИСАНОВ,
Тошкент давлат аграр
университети профессори в.б,
юримдик фанлари доктори.

(Боши 1-саҳифада)

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилга нисбатан 2024 йилда содир этилган коррупциявий жиноятлар сони 12,6 фоизга ошиб, улар 4649 тани ташкил этган ва ушбу жиноятлар доирасида 7354 нафар шахс жавобгарликка тортилган бўлиб, жиноятлар сони 2025 йилда ҳам ошган. Масалан, 2024 йил 4 ноябрда Чирчиқ шаҳри ҳокими ўринбосари ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, фуқарога ҳокимлик захирасидаги 20 гектар ерни аукционга чиқариб, унга эгалик ҳуқуқини расмийлаштиришда ёрдам беришни ваъда қилиб, бир млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ҳайдовчиси орқали олганда қўлга олинган. Худди шунингдек, Андижон вилояти Бўстон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўзининг номида бўлган ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги тасарруфидаги 10 гектар ер майдонини экспортбоп маҳсулотлар етиштирилувчи ер тоифасига ўзгартириб, туман ҳокимининг экин майдонларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорини чиқартириб, уни каврак ўсимлиги етиштирмоқчи бўлган тадбиркорга 3 йилга фойдаланишга бериш эвазига 20 минг АҚШ доллари талаб қилган ва олдиндан 10 минг доллар олган вақтида ушланган.

Бу каби коррупция ҳаракатларига, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд, солиқ, божхона, таълим, тиббиёт ёки маъмурий муассасалар мансабдор шахсига пора бериш ёки уларни пора бериш эвазига сотиб олиш, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан давлат мулкани талон-тарож қилиш, ғайриқонуний ўзлаштириш ёки бошқа мақсадда фойдаланиш, шахсий бойлик орттириш ёки учинчи шахснинг бойиши мақсадида хизмат мавқеидан фойдаланиш билан

Ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



боғлиқ кўплаб ҳаракатларни кўрсатиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, содир этиладиган коррупциявий жиноятлар оқибатида мамлакатимизда инвестиция муҳити ёмонлашиб, соғлом рақобатни бугади ва давлат бюджетидан самарасиз фойдаланишга олиб келади, шулар билан бирга, аҳолининг давлатга бўлган ишончини сусайтириб, давлат бошқаруви самарадорлигини пасайтиради ва уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига шарт-шароит яратади. Бундай ҳолатларга доимий равишда эътибор қаратиб келаётган Президентимиз ўтган йилнинг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттиришни устувор йўналиш сифатида белгилаб бериб, яна бир бор “коррупция давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдидлиги, унга йўл қўйиш эса ислохотларимизга хиёнатлиги, бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда

“фавқуллода ҳолат” эълон қиламиз”, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, содир этилган ҳар қандай коррупция ҳолатига давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиши ёки бошқача айтганда, давлат хизматчисининг ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳокимият ёки хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан ҳимояланган манфаатларига катта зарар етказиш билан давлат ва жамият манфаатларига зид равишда ифодаланган ижтимоий ҳодиса ва айни бир пайтда “фавқуллода ҳолат” сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ. Шундай экан, коррупциявий жиноятларни содир этиш сабаблари нимада ва уларни бартараф этиш учун асосан нима-ларга эътибор қаратиш лозим? Айниқса, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий

йўналишларидан бири бўлгани ҳолда, унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси белгилаб берилган бир пайтда, давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига сабаб бўлаётганлиги ҳар бир давлат хизматчиси томонидан яхши англаб олиниши керак.

Ҳозирги замон ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашиш борасида жамиятда ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш энг муҳим ва асосий омил сифатида қаралади. Зеро, ҳуқуқий нигилизм ҳолати асосан давлат хизматчилари ёки алоҳида шахслар томонидан ҳуқуққа, қонунларга ва давлат институтларига нисбатан беписандлик, менсимаслик ёки умуман инкор этишда намоён бўлади. Бундай ҳолатларнинг амалий шаклини давлат хизматчиси ёки шахсининг амалдаги қонуиларни менсимаслиги ва очиқдан-очиқ бузиши, шунингдек, ўрнатилган ҳуқуқ-тартибот қоидаларига бўйсунмаслигида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омили сифатида ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш, яъни асосий вазиғамиз қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини оғишмай ҳимоя қилиш, шунингдек, порахўрлик, мансабдан фойдаланган ҳолда қонунни суиистеъмол қилиш, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, истеъдодли кадрларнинг ўсишига тўсиқ бўлиш, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳамда таъмағирлик каби жирқан ҳолатларга йўл қўйганлик учун жазо муқаррарлигини таъминлашимиз зарур. Бу эса, Юртбошимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида белгилаб берилган устувор вазиғаларни шараф билан адо этган ҳолда, Ватанимиз ободлиги ва юксалишига хизмат қилади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР МАХФИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Рўйхатга олиш жараёналарининг халқаро стандартларга мувофиқ, замонавий рақамли ечимлар асосида амалга оширилаётгани ислохотларнинг мазмунан чуқурлашганидан далолат беради. Жорий йилнинг 15 январидан 28 февралга қадар икки босқичда ўтказилаётган ушбу тадбирнинг биринчи босқичда фуқаролар махсус ахборот тизими орқали онлайн рўйхатдан ўтиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу рақамли хизматлардан фойдаланиш маданиятини ошириш, вақт ва ресурсларни тежашга хизмат қилади. Иккинчи босқичда эса “маҳалла еттилиги” ходимлари томонидан уйма-уй юриб, планшет қурilmалари орқали маълумотлар йиғилиши аҳолининг барча қатламларини тўлиқ

қамраб олиш имконини беради.

Рўйхатга олиш жараёнининг яна бир муҳим жиҳати – унинг тўлиқ рақамлаштирилганидир. Маълумотлар census.stat.uz портали орқали йиғилиб, OneID тизими орқали фуқароларнинг идентификация қилиниши маълумотлар аниқлиги ва шаффофлигини таъминламоқда. Геоахборот тизими асосида республика бўйича 7,6 миллиондан ортиқ хонадон ва турар жойларнинг геометриялари шакллантирилиб, жараёнларнинг бориши, қамров даражаси ва натижаларини кўрсатиб турувчи махсус электрон қузатув ва таҳлил панеллари орқали ишлар реал вақт режимда назорат қилинмоқда. Бу давлат органларига вазиғатни тезкор баҳолаш, таҳлил қилиш ва самарали бошқарув



қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Фуқаролар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг қонунчилик талабларига мувофиқ қатъий ҳимоя қилиниши, шахсий маълумотларнинг махфий сақланиши аҳолининг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Маълумотлардан фақат статистик мақсадларда фойдаланилиш белгилангани рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок учун муҳим рағбат омилларидан бири ҳисобланади.

Тадбирларни юқори савияда ўтказиш мақсадида республика бўйлаб кенг қўламли ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 14 та худудий ҳамда 208 та туман ва шаҳар штаблари ташкил этилди. Қарийб 60 минг нафар рўйхатга олувчи ходимлар тай-

ёрланиб, улар орасида “маҳалла еттилиги” вакиллари, захира ходимлар, худудий штаб аъзолари, шунингдек, вазиғлик ва идоралардан жалб этилган тренерлар ҳамда олий таълим муассасаларидан волонтерлар иштирок этмоқда. Бу эса рўйхатга олиш жараёнининг тизимли ва мувофиқлашган ҳолда ўтишини таъминламоқда.

Аҳолини хабардор қилиш ва тарғибот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юзлаб тарғибот видеороликлари, телевизион лавҳалар, минглаб ахборот материاللарининг ижтимоий тармоқлар, жамоат транспортлари ва аҳоли гавжум жойларда жойлаштирилиши аҳолининг фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Натижада бугунги кунга қадар махсус портал орқали 2,48 миллион хонадон, шунингдек,

31 мингта фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари рўйхатдан ўтди. Бу кўрсаткич мамлакатда рақамли ислохотлар изчил амалга оширилаётгани ва аҳолининг давлат аҳамиятига молик тадбирлардаги иштироки ортиб бораётганини яққол кўрсатади. Давлатимиз раҳбари аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини сифатли ўтказиш, маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш ҳамда улардан қарор қабул қилиш жараёнарида кенг фойдаланиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Чунки аниқ ва тўлиқ маълумотлар – адолатли сиёсат, самарали ислохотлар ва барқарор тараққиётнинг энг мустаҳкам пойдевори.

Муҳтарама КОМИЛОВА
ёзиб олди,
ЎЗА

Маълумки, диёримиз азалдан илм-маърифат, бунёдкорлик ўчоғи бўлиб келган. Юртимиздан етигишиб чиққан кўплаб алломалар, буюк зотлар наинки халқимиз, балки бутун инсоният илм-фани, маданият ва санъати ривожига дахлдор улкан маънавий, моддий мерос қолдирган. Уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун етказиш эса, долзарб масалалардан бири. Албатта, маданий мерос объектлари, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжоларни асраш ҳар биримиз учун дахлдор масала бўлиб, катта масъулиятни талаб этади.

Маданий меросларимизни асраш ҳар биримиз учун ДАХЛДОР МАСАЛА

Ҳар бир юртдошимиз моддий маданий меросни кўз қорачиғидек асрашни ўз бурчи, деб ҳисоблаш жоиш. Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари қўламини кенгайтириш эса ҳар жиҳатдан муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги томонидан кейинги йилларда мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2024 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати”га асосан мамлакатимизда маданий мерос объектлари жами ҳисобда 8210 тани ташкил этганди. Бугунги кунга келиб улар сони яна ошганини кўришимиз мумкин. Уларда босқичма-босқич реставрация ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш, илмий ўрганиш ва уларни очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Афросиёб (Самарқанд), Ахсикент ва Учтепа (Наманган) археология ёдгорликларини музейлаштириш чоралари қўрилди. Шунингдек, хоржидаги қутубхона, музей, фонд ва бошқа илмий-маданий муассасаларда сақланаётган мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид 308 та маданий бойлиқнинг илмий тавсифи тайёрланди. Хорижда сақланаётган алломаларимиз меросига оид қўлёзмалардан электрон нусхалар олинди. Яна бир эътиборга молик янгилик, Ўзбекистон Осиё маданий меросини сақлаш альянсига аъзо бўлди.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон маданияти Марказий Осиё халқларининг кўп асрлик анъаналари ва турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ бой тарихга эга. Буюк Ипак йўли чоррағасида жойлашган юртимиз худудида жойлашган меъморий ёдгорликлар, қадимий қалъа ва қасрлар, сирли ва ноёб табиат ёдгорликлари ва фольклор элементларининг аксарияти ҳозирда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, муҳофазага олинган.

Дилбар РАҲАБОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети талабаси.

ЎТАЁТГАН УМИРНИГIZНИ ҒАНИМАТ БИЛИНГ!

Бир одам қудуққа тушиб кетиб, овозининг борица одамлардан ёрдам сўраб бақирди. Унинг овозини эшитган одамлар ёрдам бериб, у одамни қудуқдан қутқариб олишди, усти-бошини қуришти, тозалаб, бир коса сут беришди, анча ўзига келганидан сўнг нима бўлди, қандай қилиб бу қудуққа тушиб кетдингиз, деб сўрашди.

У одам қандай қилиб қудуққа тушиб кетганини кўрсатиб бераман, деб оёғи тойиб, яна ўша қудуққа тушиб кетди ва ҳалок бўлди. Бу ҳолатнинг гувоҳи бўлиб турган одамлардан бири йиғлаб, бир сўзни айтди. Бу одамнинг дунё ҳаётида бир коса сут – ризқи бор экан...

Демак, ҳаммамиз ҳам бизларга номаълум бўлган, Аллоҳ таоло тамонидан ажратиб берилган умримизни, ризқимизни тугатмагунимизча бу дунёдан ўтиб кетмас эканмиз.

Бир вақтлар бир ночор балиқчи дарё бўйида ов қилар экан, жуда катта, кучли бир балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб чиқаришга балиқчининг кучи етмас эди. Охири балиқ қармоқдан қочиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар “эси, илинган шундоқ катта балиқни кўлдан чиқардинг-а”, дейишди. Шунда балиқчи дўстларига: ёй дўстларим-ей, у балиқ менинг ризқим бўлмас, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаган бўлса, мен нима қилай, унинг ҳали бу дунёда ёйиш-ичишдан ризқи бор экан, деди.

Муҳаммадшокир БОБОХЎҲАЕВ,
Норин туманидаги
Умархўжа зион жомеъ масжиди
имом хатиби.

Эълонлар

07-21/3247 рақами билан 1997 йил 8 июлда Карпа Лидия Николаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

08-02/15788 рақами билан 2023 йил 24 октябрда Давранов Хусниддин Бахраниович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Нарвонга бирданига чиқиб бўлмаганидек, кутубхона ташикл қилишни ҳам бирма-бир китоб йиғишдан бошлаш керак

Бу талқиннинг зарари шундаки, ўқувчи “Навоий зарварақдай пўрим кийим кияр экан,” деган халёга боради



80 Ёшли КИТОБХОН

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Китобхонлик оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маърифатли оилаларда китобга эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади. Инсон ўзининг фикрлаш қobiliяти, маънавият дунёси билан тирик. Одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи омиллардан бири ҳам унинг маънавияти ҳисобланади. Китоб хусусида гап борар экан, бугун Чуст тумани Тепакўрғон маҳалласида яшовчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, эркин изланувчи ёзувчи, салкам 80 ёшли ижодкор Ҳусайнхон Орифий ҳақида сўз юритмоқчимиз. Устознинг ижод хоналарига кирар экансиз, ўзингизни гўёки катта бир кутубхонага киргандек ҳис қиласиз.



– Устоз, китоб йиғишни қачондан бошлагансиз, бунга ким туртки бўлган?

– Табиийки, ҳамма нарса болаликдан бошланади. Лекин мутолаага, адабиётга нисбатан қизиқишим отамдан ўтган. Чунки уларнинг ҳам китобга бўлган эътиборлари ва қизиқишлари юқори бўларди, биласиз, у пайтлар бугунгидек технологиялар ривожланмаган ҳамма уша пайтда газета ва китобларни шамчироқ ёруғида ўқирди. Кутубхона, деган тасаввур ўшанда пайдо бўлган. Кейинчалик мактабимиз ва колхоз кутубхоналаридаги деярли барча китобларни ўқиб тугатганман, ҳамма кутубхоначилар мени яхши танирди. Шу тариқа ўзим ҳам китоб йиғга бошлаганман. Сиз кўриб турган мўъжазгина кутубхонани 1991 йилда қайта ташкил қилдим, ҳозир икки мингта яқин бадийий ва илмий адабиётлар бор.

– Кутубхонангизда кўпроқ қандай китоблар бор?

– Бу ердаги китобларнинг анчаси тарихий китоблар. Тарихга қизиқаним, доим тарихни ўрганишга интилганим туфайли кўп фойдаланаман. Кутубхонамда отамдан қолган қарийиб икки асрлик ноёб китоблар ҳам бор. Уларни янада кўпайтиришга ҳаракат қиламан. Шунингдек, кутубхонамда шеърят, бутун дунё насрий адабиётига оид кўплаб китобларни ҳам учратиш мумкин. Ўзбекистонда илк марта Халқ ёзувчиси унвонини олган шоир, чуствик жадид Муҳаммадшариф Сўфизода эканлигини ҳамма ҳам билмайди. Қирқ йилдан бери унинг ижодини ўрганиб, тадқиқ этиб келаман. Сўфизода ҳаётлик даврида қай манзилга борган бўлса, мен

ҳам шу манзилларга бориб, унинг ижодини ўрганиб, “Буюклик неъмат” асарини чоп эттирганман. Шу билан Муҳаммадшариф Сўфизода ҳақидаги маълумотлар янада ойдинлашган. Адабиётдаги узоқ йиллик дўстларим, сафдошларим, ҳали ўзимнинг китобларим чиқмаган пайтда ўз асарларига имзо ва тилакларини ёзиб берган ижодкор акаларимиз, устозларимизнинг ҳам китоблари бор. Уларнинг барчаси мен учун азиз.

– Кўп одамлар шахсий кутубхона очишга шароитим йўқ дейди, имконияти борларнинг барчаси ҳам бунга қўл қилмайди. Сизда кутубхона ташкил этиш жараёни қандай кечган?

– Нарвонга бирданига чиқиб бўлмаганидек, кутубхона ташкил қилаётганда ҳам бирма-бир китоб йиғишдан бошлаш керак, тома-тома қўл бўлур, деб бекорга айтилмайди. Кутубхона фақат ўзингизга эмас, оилангиз, фарзандларингиз, набираларингиз учун ҳам керак. Дуч келган одамни уйингизга олиб кирмагандек, қўлингизга тушган ҳар қандай китоб ҳам кутубхонадан ўрин олмаслиги лозим. Шундай экан, кимда хоҳиш ва истак уйғонса, уйининг бир четида 5-10 дона китоб олиб келиб, мутолаа қилиб бўлгандан сўнг кутубхонани аста-секинлик билан ташкилласса бўлади. Шарт эмас, 100-200 дона китоб бўлмагунча кутубхона ташкиллаш, кам сонли китоблардан ҳам бошласа бўлади. Яна бир ачинарли ҳолат – биз ҳозирги кунда фақат орзу ҳавас йўлида юриб, китоб мутолаасига етарлича эътибор қаратмаяпмиз, кўпроқ кийим-бош ва қорин ғамидамиз.

Китоб қорнингизни тўйдирмас, аммо онгни ривожлантириб, фикрлаш доирангизни кенгайтириши табиий ҳол.

– Устоз, бугунги кунда қайси ижодкорларнинг асарларини севиб ўқийсиз?

– Бу ердаги китобларнинг баъзиларини бир йил ўтар-ўтмас яна ўқигим келади. Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё”, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини ҳамда Чустий ғазалларини, ўзим яхши кўрган шоирларнинг шеърларини қайта-қайта ўқийман, китоб инсон қалбини тозалайди, деб бежиш айтишмаган доно халқимиз. Аммо бугунги кунга келиб адабиёт оламида кучли ва долзарб ҳамда кишини ҳаёл уммонига ғарқ қила оладиган асарлар камайиб бормоқда. Бундай ҳолат давом этмаслиги учун ёш авлод вакиллари кўпроқ китоб ўқиса, яхши ҳикоя, роман ва эсселар пайдо бўлиши бор гап.

– Бугун китобга бўлган қизиқишни янада ошириш учун қандай ишлар қилиш лозим?

– Яқинда Президентимизнинг “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Хўш, нега? Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, китоб ўқиган инсондан ёмонлик чиқмайди, китоб ўқиган инсон тўғри қарорлар қабул қилади, ҳаётда оғишмайди. Шундай экан, бўш вақтингиз бўлдики, китоб ўқинг, газета, журналларни varaқланг!

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст тумани Сероб маҳалласининг
Ёшлар етакчиси.

ШОИР ТОҒДАН, НОШИР БОҒДАН

Алишер Навоий асарлари ноширлари матнга, сўзга нисбатан шу даражада эҳтиётсизлик билан муносабат қиладиларки, гоҳ бир сўзни тушириб қолдирадилар, гоҳ бир сўздан бир неча харфни қисқартирадилар ва ҳатто сўзга кераксиз ҳарфларни қўшиб юбарадилар ҳам.

Ана шу кейинги ҳодиса қасри нечоғлик қалтислигини “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан олинган бир байт қисматидан кузатамиз. Бу матнга ишонсак, Алишер Навоийнинг жисми зарварақдан иборатдир:
Эй Навоий, зарварақ жисминг не тонг бўлса ғариқ,
Бахри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқалғудек.
 (“МАТ”, 3-жилд, “Ҳазойин ул-маъоний”, 1988, 270-бет)
Бу талқиннинг зарари шундаки, ўқувчи “Навоий зарварақдай пўрим кийим кияр экан,” деган халёга боради.

Аввало, китобда бўладиган зарварақнинг инсон жисмига қандай алоқаси бор? Муаллиф “заврақи жисминг – вужудинг қайғи деса, мастул котиб боплаб: “Зарварақи жисминг” деб тахрир этади. Шоир боғдан, ношир тоғдан келмоқда. Ушбу байт аслияти шундай тикланди:
Эй Навоий, заврақи жисминг не тонг бўлса ғариқ,
Бахри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқалғудек.
Ваҳоб РАҲМОНОВ,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Эътироф

МЕҲРИБОН ВА САМИМИЙ ҚАЛБ ЭҒАСИ

Орамизда шундай инсонлар борки, оддий ва самимий қалби билан бутун бир борлиққа эзгулик улашади. Умрини эса фақат ҳикматга тўлдириб, мунаввар қилиб ёритади. Бир қўлида миллиати, бир қўлида оилани тебратётган аёлларимизни бугунги куннинг ҳақиқий қаҳрамон аёллари, десак асло муболага бўлмайди. Уларнинг кўрсатётган юрт равнақи йўлидаги олий даражадаги хизмати таҳсинга сазовордир. Қаҳрамонимиз Зебо Полвонова ҳам ана шундай мўтабар ва саховатпеша инсондир.



Зебо Полвонова 1977 йили Шовот туманидаги Қирғоқбўйи маҳалласида, ўқитувчилар оиласида туғилган. Тумандаги ўрта таълим мактабини аъло баҳолар билан тамомлаган қаҳрамонимиз Урганч давлат университетига грант асосида ўқишга кирган. Ўқиш давомида кўплаб ютуқларга эришган. Университетда ҳам энг билимдон ва тиришчоқ талаба сифатида эътироф этилган. 1998 йили университетни бошланғич таълим ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаб, ўзи таҳсил олган 25-умумий ўрта таълим мактабига ишга кирган. У кейинчалик ўзининг креативлиги ва ишбилармонлиги туфайли мактаб директори сифатида фаолият бошлаган. Шу даврдан то ҳозиргача мактаб раҳбари сифатида барчанинг қалбидан жой олган.

Янги ўқув йилидан Зебо Полвоновани маҳоратли раҳбар сифатида 49-умумий ўрта таълим мактабига директор лавозимига ишга ўтказишди. Бугунги кунда у янги жамоада ҳам фаол ва ташаббускорлиги билан қалблардан жой олди. Бундан ташқари, Зебо Полвонова Халқ депутатлари Шовот тумани Кенгаши депутати сифатида ҳам бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳаётнинг синовларини ўзининг сабр-тоқати ва маҳорати билан энгиб ўтган Зебо Полвонова бундан 11 йил муқаддам автоҳалокат туфайли оёғидан жиддий жараҳат олгани сабабли, унга ногиронлик

белгиланган ва шу муносабат билан нафақага чиқарилган. Лекин бу таклифни рад этган Зебо опа ҳаётга янгича нигоҳ билан боқиб, “Ҳаётда йиқилган мард эмас, йиқилиб, ўрнидан туриб, яна куч тўплай олган мард”, деган шоирона ибора билан иш фаолиятини бошлайди. Қўлларида ҳасса билан ҳар куни ишга ўз вақтида келадиган Зебо Полвонова иш масъулиятини ўз елкасига олиб, ҳар томонлама янгича технологиялар билан ишлашни энг самарали усул, деб билади ва астойдил мақсадини олий қилиб, жонбозлик билан ҳаракатдан тўхтамайди.
– Ўқитувчилик ҳаётим мазмуни, ёшлигимдан шу касбга бўлган қизиқишим баян бўлган. Айниқса, устозим Ойсултон Аннамуродова берган билимлар ва унга бўлган ҳурматим шу касбни танлашда илк пойдевор бўлган. Мана, бугун барча орзу-мақсадларим ўз мевасини бермоқда. Қарийиб ўттиз йилдан буён ўқувчилар билан ишлаб, янги истеъдод эгаларини кашф қилмоқдаман. Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғуллашиб, касбга ва таълим олишга йўналтириш билан мақсадни тўғри аниқлашни ўргатаман, – дейди кунончаклик билан Зебо Полвонова.
Ҳар сафар шундай очикқўнгил инсонлар билан суҳбатлашсам, ўзимда ҳам янгича имкониятлар эшиги очилиб, ҳаётга бўлган муҳаббатим ортади. Сиз билан фахрланамиз, азиз ва меҳрибон устозим!

Асадбек ЮСУФ

Бугун замонавий агроном ёки агротехнолог бўлиш учун фақат дала сирларини билиш кифоя эмас. Дунё тан олган мутахассисга айланиш, янги технологияларни ўзлаштириш ва халқаро бозорга чиқиш учун инглиз тили сув ва ҳаводек зарур. Хўш, Тошкент давлат аграр университетига талабаларнинг тил ўрганишга бўлган иштиёқи қандай қўллаб-қувватланмоқда?



ИНГЛИЗ ТИЛИ – АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Узоқ йиллар давомида чет тилини ўқишда фақат грамматика ва қоидаларга эътибор қаратилган бўлса, бугун Тошкент давлат аграр университетига ёндашув бутунлай ўзгарди. Эндиликда асосий урғу талабанинг эркин гапира олишига, яъни, оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Дарс жараёналари шунчаки китоб ўқишдан иборат эмас. Талабалар энди ўз мутахассисликларига оид терминларни инглиз тилида ўрганиб, дарсда эркин баҳс-мунозара юритмоқдалар. Бу эса эртага битирувчи халқаро ан-

жуманларда ёки хорижий ҳамкорлар билан учрашувларда ўзини эркин ҳис қилишини таъминлайди.

Амалиёт ва инновация
уйғунлиги

Университетда фақат синф хоналари билан чекланиб қолинмаяпти. Тил ўрганиш жараёни дала ва лаборатория амалиётлари билан боғланмоқда. Талабалар ўз соҳаси бўйича дунё тан олган терминологияни ўзлаштирамоқда. Хорижий профессор-ўқитувчилар билан бевосита

мулоқот қилиш имконияти яратилган. Иқтидорли ёшлар инглиз тилида мақолалар ёзиб, халқаро майдонга ўз тадқиқотларини олиб чиқишмоқда.

Соҳа мутахассислари талабаларга инглиз тилини тезроқ ўзлаштириш учун қуйдаги усулларни маслаҳат беришади: Вазиятга мос мулоқот: дарсларда реал қишлоқ ҳўжалиги муаммолари, масалан, иқлим ўзгариши ёки ҳосилдорликни ошириш ҳақида кўпроқ суҳбатлашиш.

Тақдимот қилишдан қўрқманг: кичик мавзуларда бўлса-да, инглиз тилида

лойиҳаларингизни ҳимоя қилинг! Бу ўз-ўзига бўлган ишончни оширади.

Далада ҳам тил ўрганинг: лаборатория ёки дала амалиёти пайтида ўсимликлар ёки техникаларни инглизча номлашга одатланнг!

Рақамли имкониятлар: мобил иловалар ва виртуал суҳбат клублари тил ўрганишдаги энг яқин ёрдамчингиз бўлсин!

Алмашинув дастурларида қатнашинг: халқаро грантлар ва академик алмашинув лойиҳаларида фаол бўлиш тил ўрганиш учун энг кучли мотивациядир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инглиз тили бу шунчаки фан эмас, бу миллий тараққиётга қўшиладиган ҳисса ва глобал мутахассис бўлиш сари ташланган дадил қадамдир. Зеро, тил билган мутахассис дунёни билади.

Шахноза СУЯРОВА,
Тошкент давлат аграр университети
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Ҳажми 2 босма табок. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси – 144. Буюртма Г-117. 3380 нускада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қиёрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоши келишилган нарҳда.

Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ

Газета “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Ранмқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00